

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI



**ILMIY
AXBOROTNOMA**

2022

- **НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**
- **SCIENTIFIC BULLETIN OF
NAMANGAN STATE UNIVERSITY**

12

ISSN:2181-0427

journal.namdu.uz





Bosh muharrir: Namangan davlat universiteti rektori S.T.Turg'unov

Mas'ul muharrir: Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor Sh.N.Ataxanov

Mas'ul muharrir o'rinbosari: O'quv ishlari bo'yicha prorektor D.S.Xolmatov

T A H R I R H A Y ' A T I

Fizika-matematika fanlari: akad. S.Zaynobiddinov, akad. A.A'zamov, f-m.f.d., prof. B.Samatov, f-m.f.d., dots. R.Xakimov, f-m.f.n., dots. B.Abdulazizov, f-m.f.n., dots. A.Xolboyev.

Kimyo fanlari: akad. A.To'rayev, akad. S.Nigmatov, k.f.d., prof. Sh.Abdullayev, k.f.d., prof. T.Azizov, k.f.n., dots. T.Sattorov, k.f.n., dots. A.Hurmamatov.

Biologiya fanlari: akad. K.Tojibayev, akad. R.Sobirov, b.f.d., dots. A.Batashov, b.f.d. N.Abdurahmonov, b.f.d., dots. F.Kushanov, b.f.d. A.Kuchboyev.

Texnika fanlari: t.f.d., prof. A.Umarov, t.f.d., prof. S.Yunusov.

Qishloq xo'jaligi fanlari: g.f.d., prof. B.Kamalov, q-x.f.n., dots. A.Qazaqov.

Tarix fanlari: akad. A.Asqarov, s.f.d., prof. T.Fayzullayev, tar.f.d, prof. A.Rasulov.

Iqtisodiyot fanlari: i.f.d., prof. N.Maxmudov, i.f.d., prof.O.Odilov.

Falsafa fanlari: f.f.d., prof. M.Ismoilov, f.f.n., Z.Isaqova, f.f.d., G.G'affarova, f.f.n. N.Zaynobiddinova, f.f.n., dots. T.Ismoilov, PhD. A.Abdullayev.

Filologiya fanlari: fil.f.d., prof. N.Uluqov, fil.f.d., prof. H.Usmanova, PhD. H.Solixo'jayeva, PhD. U.Qo'ziyev, PhD. H. Sarimsoqov, fil.f.d., N.Dosboyeva, fil.f.n., dots. S.Misirov.

Geografiya fanlari: g.f.d., dots. B.Kamalov, g.f.d., prof. A.Nigmatov.

Pedagogika fanlari: p.f.d., prof. U.Inoyatov, p.f.d., prof. B.Xodjayev, p.f.d., prof. O'.Asqarova, p.f.n., dots. M.Nishonov, p.f.n., dots. A.Sattarov, p.f.n., dots. M.Asqarova, p.f.n., dots. Sh.Xo'jamberdiyeva, p.f.n., dots. S.Abdullayev.

Tibbiyot fanlari: b.f.d. G'.Abdullayev, tib.f.n., dots. S.Boltaboyev.

Psixologiya fanlari: p.f.d., prof Z.Nishanova, p.f.n., dots. M.Maxsudova.

Texnik muharrir: N.Yusupov.

Tahririyat manzili: Namangan shahri, Boburshox ko'chasi, 161-uy

Faks: (0369)227-07-61 **e-mail:** info@namdu.uz

Ushbu jurnal 2019 yildan boshlab O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosati qarori bilan fizika-matematika, kimyo, biologiya, falsafa, filologiya va pedagogika fanlari bo'yicha Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

"NamDU ilmiy axborotnomasi – Научный вестник НамГУ" jurnali O'zbekiston Matbuot va axborot agentligining 17.05.2016-yildagi 08-0075 raqamli guvohnomasi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi (AOKA) tomonidan 2020-yil 29-avgust kuni 1106-sonli guvohnomaga binoan chop etiladi. "NamDU Ilmiy Axborotnomasi" elektron nashr sifatida xalqaro standart turkum raqami (ISSN-2181-1458)ga ega NamDU Ilmiy-texnikaviy Kengashining 2022-yil 10-dekabrda kengaytirilgan 12-sonli yig'ilishida muhokama qilinib, ilmiy to'plam sifatida chop etishga ruxsat etilgan (Bayonnoma № 12). Maqolalarning ilmiy saviyasi va keltirilgan ma'lumotlar uchun mualliflar javobgar hisoblanadi.

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI 2022



Foydalanilgan adabiyotlar

1. "Аланга" журнали, 1929 йил, №5. – Б. 6
2. Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 2004. – Б. 37.
3. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Т.: "Mumtoz so'z", 2017. – Б. 138.
4. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Т., Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2012. 77-бет.
5. Менглиев Б. "Давлат тили ҳақида"ги Қонун ва адабий нутқ меъёрлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2016 йил №5, 7-бет.
6. Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. –Т.: Ўқитувчи, 1978, – Б. 167.
7. Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти III томлик. 3-том (сўз ясалиши ва лексика). – Т., 1991. –150-бет.
8. Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси, Т.: Академнашр, 2012, – Б. 384.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, т. 1. – Т.: "O'zbekiston nashriyoti", 2020, – Б. 386.
10. Ҳожиёв А. Ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиши ва эски ўзбек адабий тилига муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987. – №2. – Б. 5.

ФРАНЦУЗ ТИЛИ ТИББИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА СТАТИСТИК-КОМБИНАТОР МЕТОДЛАРНИНГ ИШЛАТИШИ

Шахноза Абраева,

ТГА Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

Эмаил: abrayevashaxnoza1990@gmail.com

Аннотация: Мақолада асосан статистик-комбинатор методларининг ишлатилиши лексик бирликларни таҳлил қилишда морфема даражасида қўлланилиши ҳақида сўз юритилган ва умуман олганда, латин тили морфемаларининг яширин имкониятларини юнон тили морфемалари билан қиёслаганда маҳсулдорлик коэффициентини аниқлашга ҳамда классик тилларнинг морфемаларини морфологик белгилари бўйича таснифлашга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: статистик-комбинатор методлар, тиббиёт соҳаси, терминография, элемент, латин-юнон

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СТАТИСТИЧЕСКИХ КОМБИНАТОРНЫХ МЕТОДОВ ВО ФРАНЦУЗСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ

Шахноза Абраева,

Преподаватель кафедры Узбекского и иностранных языков ТГА

Эмаил: abrayevashaxnoza1990@gmail.com

Аннотация: В статье в основном говорится об использовании статистически-комбинаторных методов при анализе лексических единиц на уровне морфем, и в целом сделана попытка определить коэффициент продуктивности при сравнении латентного потенциала латинских морфем с греческими морфемами. и классифицировать морфемы классических языков по их морфологическим признакам.

Ключевые слова: статистические комбинаторные методы, область медицины, терминология, элемент, латинско-греческий язык.



USE OF STATISTICAL-COMBINATOR METHODS IN FRENCH MEDICAL TERMINOLOGY

Shakhnoza ABRAEVA,

Teacher of the Department of Uzbek and Foreign Languages of TTA

Email: abrayevashaxnoza1990@gmail.com

Abstract: *The article mainly talks about the use of statistical-combinator methods in the analysis of lexical units at the morpheme level, and in general, an attempt was made to determine the coefficient of productivity when comparing the latent potential of Latin morphemes with Greek morphemes and to classify the morphemes of classical languages according to their morphological features.*

Key words: *statistical combinatorial methods, medical field, terminology, element, Latin-Greek*

Кириш

Жаҳонда тиббиёт фанининг жадал тараққий топиши турли тилларда мулоқотга киришувчи тиббиёт мутахассислари ўртасида кенг миқёсда маълумот алмашилиш эҳтиёжини юзага келтиради. Тил ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги, бу феноменларнинг мунтазам равишда ўзгаришларга учраши, қолаверса, тиббиёт соҳасига янги тушунча, терминлар ва лексик бирликларнинг узлуксиз бир тилдан иккинчи бир тилга ўзлаштириб олиниши натижасида амалиётда кенг қўлланилиши тилшунослик соҳасида алоҳида назарий ва амалий аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам умумий тиббиёт соҳасига оид терминларнинг қўлланилиш имкониятлари, уларнинг таркибий тузилиши ҳамда семантик хусусиятларини янги методологик тамойиллар ва замонавий мезонлар асосида ёритиб бериш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда дунёда тиббиёт соҳасининг тармоқлари аҳолига хизмат кўрсатишнинг ажралмас ва зарурий воситаси сифатида тобора кенг ва мустақкам ўрин эгалламоқда ҳамда тиббиёт соҳасига оид терминология ва терминографияни такомиллаштириш, тиббиёт соҳасига кириб келаётган янги тушунчаларнинг яратилишини назоратга олиш, шакллантириш ва функционал хусусиятларини тадқиқ қилиш алоҳида аҳамиятга моликдир.

Тадқиқот методологияси

Тилшуносликда статистик методлар борган сари кўпроқ тан олинмоқда, чунки тилнинг у ёки бу фактларини таҳлил қилишнинг кўплаб масалалари таҳлилнинг анъанавий усулларида яширинлигича қолмоқда. Бевосита синонимлар масаласи ҳақида фикр юритмасдан, биз классик тилларнинг морфемаларини француз тилида қўлланилишининг баъзи бир қонуниятларини очиб беришимиз, яъни, нутқдаги дифференциал характеристикаларини ва оппозицияни аниқлашимиз керак.

Тилшунос Р.М Фрумкина тўғри таъкидлаганидек: “Статистик методлар лингвистикада шундай кузатиш ва илмий тажрибаларни ташкил қилиш учун қўлланиладики, бунда тадқиқотчи, олдиндан маълум маълумотнинг тўлиқ бўлмаган шароитларида тадқиқ қилинаётган объектлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида маълум аниқлик ва ишончлилик билан хулосалар чиқариш имкониятини қўлга киритади” (Фрумкина Р. М., 88, 182-бет).

Нутқ тизимидаги миқдорий характеристикаларни ва фарқларни тадқиқ қилиш тил тизимидаги сифатий фарқларни топиш ҳамда кўриб чиқиладиган элементларнинг



белгиларини ва хусусиятларини ҳар хил лексик даражаларда ва кичик соҳа тилларида аниқлаш имконини беради. Шунинг учун тадқиқотимиз методикасида миқдорий-сифатий оппозиция ишлатилган бўлиб, у таҳлил қилинаётган лексиканинг сифатий омилларини ҳамда ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилишга кўмаклашадиган структур-эҳтимоллик таҳлил асосида ётади.

Юнон ва лотин формантларининг (аффиксларининг) фарқ қилувчи белгиларини аниқлаш ушбу элементларнинг тил тизимидаги тақсимланишини квантитатив таҳлил қилишда амалга оширилади. Бундай таҳлил тадқиқ қилинаётган морфемаларнинг турли аспектларда: танлаш, кичик соҳа тили ва умуман тил тизимида қўлланилиш соҳасини аниқ тавсифлашга ёрдам беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Умуман тилшунослиқда тиббиёт терминологиясига бағишланган бир қатор тадқиқотлар, жумладан Инглиз, француз, рус ва ўзбек тилшунослигида тиббиёт терминологияси масалалари бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Латинизмлар ва эллинизмларнинг француз тили лексик тизимида кириб келиш тарихи кўплаб муаллифлар (Лобашевская Т.А.,56; Попандопуло Ю.И.,71; Шапиро Г.Д., Каден В.Г.,91; Mitterand Н.,117, Quemada В.,119) томонидан илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ёритиб берилган.

Тилнинг ҳар бир бирлиги миқдорий характеристикасининг тўплами эҳтимоллик билан боғлиқ. Эҳтимоллик рўёбга чиқадиган натижанинг миқдорий томони деб таърифланади, чунки статистик жараёндаги тасодифий ҳодисаларнинг эҳтимоллигини ҳисоблаб чиқиш илгаридан белгиланган қандайдир шароитларда такрорланувчи вазиятларни кузатиш билан боғлиқ.

Эҳтимолликнинг миқдорий аҳамияти, яъни ҳодисанинг “имконият даражаси”, ушбу ҳодисаларни кузатишларнинг умумий сонига нисбати билан ифодаланади: у маълум барқарорликка ва арзимас оғишларга ҳамда иккиланишларга эга. Бу ўринда таниқли тилшунос А.Е.Супруннинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш ўринли деб ҳисоблаймиз, яъни: “Тил элементларини танлашдаги айнан эҳтимоллик омили тилга мулоқот жараёнида юзага келадиган янги эҳтиёжларга мослашиш имкониятини беради” (Супрун А. Е., 84, 169-бет).

Битта лексик материалда частотали ва тақсимловчи характеристикаларнинг ўзаро боғланиши тил бирликларининг нутқ оқимидаги миқдорий тақсимланиши асосида сифатий белгиларини олдиндан аниқлашга кўмаклашди. Улар фақат тўб морфемалар билангина эмас, балки аффиксал морфемалар билан ҳам муваффақиятли бирга қўшиб ишлатилишлари ҳам мумкин (масалан, **bradycardique**, **endocardique**, **épícardique**, **péricardique**, **sténocardique**, **tachycardique**, **transmyocardique**, **extracardique**, **juxtacardique**, **mésocardique**, **rétrocardique**, **sténocardique**, **supracardique**, **tonicardique**, **intracardique**).

Шундай қилиб, биз тадқиқотнинг битта объектидаги - француз тилининг умумқўлланиладиган ва тиббиёт лексикасидаги лотинча ва юнонча синонимик морфемаларни ҳисоблашнинг ҳар хил тизимини қўлладик.

Мухими шундаки, бундай таҳлилда частотали ва тақсимлаш аспектларида натижаларни қиёслаш, яъни уларнинг мумкин бўлган айнан ўхшашлигини ҳамда, айнан ўхшамасликнинг сабабини аниқлаш имконияти мавжуд бўлади. Лексик бирликларнинг



нутқ оқимидаги частоталигини ва тақсимланишининг қиёсий-чоғиштирма таҳлили Ю.В.Ванников, Л.В.Малов (26), Е.А. Калинина (43) ва П.И. Осипов (65) ларнинг ишларида ушбу масала бўйича қилинган баъзибир хулосаларни қандайдир даражада аниқлашга ёрдам берди.

Таҳлил ва натижалар

Тил тизими ва нутқ тизими ўртасида мустаҳкам алоқалар мавжуд. Тилнинг қонуниятлари нутқда эҳтимолликнинг у ёки бу даражаси билан амалга ошади. Нутқ ҳодисалари ва факлари эҳтимоллик кўрсаткичларининг статистик таҳлили тилда структур характеристикаларни аниқлашга кўмаклашади. Бу ҳақида М.Д.Степанова тўғри қайд қилиб, эҳтимоллик-миқдорий методика “симптоматик статистика билан тўлдирилиши керак, унга мувофиқ тил ҳодисаларининг нафақат миқдорий, балки сифатий томони ҳам ҳисобга олинади”, деб ёзади. (Степанова М.Д.,82, 10-бет).

Частоталик ва тақсимланиш сўз шакллари ҳисобга олишнинг ҳар хил методлари билан ажралиб туради. Жамланган тез-тез такрорланиш бир матндан иккинчисига ўзгариб туради, муаллифнинг стилистик ўзига хослигига ҳамда тадқиқ қилинаётган матннинг тематикасига боғлиқ бўлади, айти пайтда морфемаларни тақсимлашда матнларнинг, яъни тадқиқ қилинаётган бирлик учрайдиган тўпламларнинг сони қайд қилинади. Бундай ҳолларда миқдорни ажратиб кўрсатиш ва кейин уларни нисбатан кириш билан солиштириш ҳамда нисбий миқдор ва лексик бирликнинг ўзига хослиги кўрсаткичи ҳисобланган коррелятив вазифани аниқлаш имконияти бор.

Хулоса ва таклифлар

Бирор бир жараёни самарали йўлга қўйишни хоҳлаган ҳар қандай инсон ўз фаолиятини таҳлил қилади, олиб борган ишлари хусусида мулоҳаза юритади, ушбу жараёндаги ўз ҳиссаси ёки имкониятларини таҳлил қилади. Демак, структур принципга асосан биз классик тилларнинг синонимик морфемаларини бир-биридан ажратмасдан, балки тизимда, тилда ва нутқда реал мавжуд бўлган бошқа ҳодисалар ва элементлар билан ўзаро боғланишда тадқиқ қиламиз.

Лингвистикада тил элементлари ва ҳодисаларининг сифатий характеристикаларини ва қонуниятларини аниқлаш учун мўлжалланган кўп самарали методлар мавжуд. Лотинча ва юнонча синонимик элементларни ўрганишда структур-эҳтимоллик таҳлилининг қўлланилиши шу билан боғлиқки, квантитатив характеристикаларни солиштириш тадқиқ қилинаётган ҳодисаларнинг нутқда ишлашининг статистик қонуниятларини аниқлаш ва мавжуд оппозицияни, ўхшашлигини ва фарқларини топиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. АМИРОВА Т. Г. Заимствование и его роль в развитии и обогащении синонимии (на материале разносистемных языков): Автореф. канд, филол. наук. - Баку, 1975. - 32 с.
2. АХМАНОВА О. С. Словарь лингвистических терминов. - М.: Советская Энциклопедия, 1969. - 607 с.
3. ГОЛОВИН Б.Н. Язык и статистика. - М.: Просвещение, 1971. - 190 с.
4. ФРУМКИНА Р. М. Роль статистических методов в современных лингвистических исследованиях. - В кн.: Математическая лингвистика. М., 1973, с.156-183.
5. MITTERAND H. Les mots français. - Paris: Presses Universitaires de France, 1968. - 128 p.



МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

1	Application of the least square method for determining the quality of live silkworm cocoons Mirsaatov R.M, Khudoyberganov S.B,.....	3
2	Параболо-гиперболик тенглама учун коши масаласи Муминов З.М, Ханкельдиева Н.М,.....	9
3	Лобачевский текислигининг фазовий тасвири Файзуллаев Ш,.....	13
4	Kriptografik kalitlar ishlab chiqishda psevdotasodifiy sonlar generatorlarini qo'llash Vozorov A.X,.....	18
5	Namoyish tajribalari orqali o'qitishda o'quvchilar dunyoqarashini rivojlantirish yo'llar Rahmanov V.T, Komilov M.M,.....	24
6	Результаты расчета объемных свойств Жидкостей и газов Вардияшвили А.А, Зохинова Ш.М,.....	30
7	Математик билимлар орқали техника олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш Файзуллаев Ж.И,.....	35
8	Определение зависимости осцилляции поперечной электропроводности и магнитосопротивления от температуры в гетероструктурах на основе квантовых ям Эркабоев У.И, Рахимов Р.Г, Сайидов Н.А, Мирзаев Ж.И, Негматов У. М,.....	38
9	Обработка сцинтилляционных гамма спектров методом вычитания Турабеков Ш.Ш, Азимов А.Н, Сафаров А,.....	47
10	Атом физикасидан амалий машғулотларда рақамли технологияларни қўллаш методикаси Мавлонова Н.Б,.....	53
11	Bir jinsli bo'lgan binalitik tenglama yechimini davom ettirish Ishankulov T, Mannonov M, Mukaramxodjayeva N,.....	67

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

12	Сув мойи эмульсияларини олиш Исмоилова М.А, Адашев Б.Ш, Салиханова Д.С, Рахматуллаева М.М, Хакимова А.Д, Саидханова Ш.А,.....	76
----	---	----



03.00.00
 БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
 БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
 BIOLOGICAL SCIENCES

13	Фарғона водийси агроэкологизимлари парвона капалаклари (Lepidoptera: Pyralidae) фаунасига оид Шерматов М.Р.....	83
14	Зависимость концентрации клеточного сока листьев сои от влажности почвы Фозилов Ш.М.....	91
15	Molecular characterization and genetic diversity of cotton (<i>Gossypium hirsutum</i> L.) Using simple sequence repeat (SSR) markers Amanboeva R.S Mukhammadiev O.A, Xaitboev T.M	94
16	Сравнительная характеристика всхожести беккроссных семян <i>F1BC2</i>, а также выживаемости гибридных растений <i>F1BC2</i>, полученных от скрещиваний моносомных и монотелодисомных линий хлопчатника <i>G.hirsutum</i> L. Смежвидовыми анеуплоидными гибридами <i>F1BC1</i> с замещениями отдельных хромосом или их плеч Санамьян М.Ф Бобохужаев Ш.У	100
17	Кузги тунлам (<i>Agrotis segetum</i> Denis & Schiffermuller, 1775) ning biologiyasi va ekologiyasiga oid ayrim ma'lumotlar Юсупова Ш.Х	108
18	Gilos (<i>Prunus avium</i>) ning little cherry (LCHV) virusi va uning o'ziga xos alomatlari Amindjonova G.K	112
19	Тошкент вилоятида тарқалган эндем тур <i>Botschantzevii</i> u.p. pratov ценопопулятсиясининг ҳозирги ҳолати, мақоми ва in situ муҳофаза қилиш истиқболлари Аминджонова Г.К, Абдупаттоева Ш.Б	117
20	Денгизқўл коллектори ўрта оқим сувларида учрайдиган сапроб сувўтлар Negmurod E.R, Xodjayeva Z.F	124
21	Фарғона водийси шимолий адир флораси турларини тўр тизимли хариталаш Хошимов Х.Р, Батошов А.Р, Ёқубжонов О.Р	129
22	Меры охраны и влияние антропогенных факторов в ферганской долине на редкий вид <i>Dorema microcarpum</i> Korovin Мирзаолимова М.М	136

05.00.00
 ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
 ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
 TECHNICAL SCIENCES

23	Ноанъанавий хом-ашёлардан цукатлар: тайёрлаш технологияси ва стандартлар Тошпўлатов Б.С, Атаханов Ш.Н, Тошпўлатова Д.Б, Маматкулов О	143
----	--	-----



09.00.00

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

24	Халқаро ахборот хавфсизлиги тизимининг шаклланиши ва ривожланиши Алиев О.А	148
25	Burhoniddin Marg'ironiyning axloqiy-huquqiy tarbiyaga oid qarashlarini falsafaiy mohiyati Ergasheva H.S,.....	153
26	Tinchlik, adolat va samarali boshqaruv barqaror rivojlanishning asosiy omili sifatida Pulatov J	156
27	Ma'rifatli jamiyat barpo etishda axborot-mafkuraviy xavfsizlikni ta'minlash Xudayberdiyev A.K	160
28	Маърифат, маърифатли жамият ва инсон ҳақида қарашларнинг тарихий-фалсафий таҳлили Саидахмадов Ш.Ш	166
29	Жамоатчилик экологик назоратининг умумий тавсифи Ашуров А.У,.....	171
30	Инсон қалбида бузғунчилик истакларини шаклланишининг фалсафий-антропологик таҳлили Асатуллоев И.А	175
31	Жиноят ва жазо тизимида инсонпарварлик принципни такомиллаштириш масалалари Исмоилов И	180
32	Оилавий муносабатлар инқирози муаммосининг ўзига хос хусусиятлари Иноятова С.Ж	185
33	Нафосат фалсафасининг моҳияти, мақсади ва вазифалари Кадирова Д.С,.....	192
34	Ёшларнинг медиамаданиятини шакллантириш омиллари Абдуҳолиқова Н.А	198
35	Ҳуқуқий маданият ва демократия уйғунлиги Абдурахманова Н.Х	203
36	Виртуаллик фалсафаси Мирзахмедов А.М	207
37	Жамият трансформациялашувида ижтимоий-маданий технологияларга оид қарашлар Юлдашев С.У	212
38	Тасаввуф таълимотини ўрганишга оид тадқиқотлар тўғрисида баъзи мулоҳазалар Соатов Р	217
39	Шарқ мутафаккирларининг таълим- тарбия борасидаги илмий қарашлари Турсунбоева Н.К	222



40	Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларнинг толерантлик тафаккурини такомиллаштиришдаги педагогик омилар Умурзакова Д.И	227
41	Surah "Nahl" in the QUR'AN scientific-philosophical analysis Salamova X.Y	233
42	Жамият барқарорлигини таъминлашда миллий ғоя масаласининг ижтимоий-фалсафий аҳамияти Аббосова Ш.Т	238
43	Fuqarolik jamiyati qurilishining ijtimoiy-iqtisodiy negizlari va mulkdorlar qatlami Shaymanova A.E	242
44	Абу Наср Форобий меросининг ғарб маданияти ривожига таъсири Юсубов Ж.К	247
	ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PHILOLOGICAL SCIENCES	
	10.00.00	
45	Таржимада аслият миллий руҳиятини акс эттириш муаммоси Досбаева Н.Т	253
46	O'zbek va koreys tilidagi rasmiy xatlarining madaniy bog'liqligi va o'zbek tilidagi tarjimasidagi o'zgarishlar Amirova L. G'.Yunusova G.D	259
47	The best literary achievements of eastern and western literature of the xx century in the figure of Sadriddin Ayni Gulomova Z	262
48	Neologisms in the sphere of internet in modern english contemporary system of language and speech Jalolova G.M	267
49	Marsiyada lirik qahramon talqini Asadov M.H	273
50	Globallashuv davrida o'zbek tilini muhofaza qilish Isroilova B.A	277
51	Interpretation of phreoseological in units uzbek and english Xakimova D.R	283
52	Maxsus ta'lim muassasalarida eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalar uchun ona tili darslarinining mazmuni Isoqjonova D.M	285
53	Diniy-ma'rifiy manbalarda futuvvat talqini Mahmudov J.X	289
54	Сўзларнинг ягона тузилма таркибида бирикиш қонуниятлари Бобоева М.Х	296
55	The problem of linguistic and cultural study of phaleronymic units in the english language Jo'rayeva N.S,Kadyrova M.T	301
56	Фурқат ғазалларида такрорлар лингвопоэтикаси	304
		681



	Кўлдашева Д.Х	
57	О‘zbek tilidagi leksik bo‘shliqlarni kompozitsiya usulida to‘ldirish masalalari Hasanov A.M	309
58	Француз тили тиббий терминологиясида статистик-комбинатор методларнинг ишлатиши Абраева.Ш	316
59	Isajon Sulton romanlarida badiiy tafakkurning tadrijiy taraqqiyoti Babayeva S.B	320
60	Metonimiyali ingliz va o‘zbek maqollarining semantik tahlili Boboqulova N.X	326
61	Somatik leksika va uning xususiyatlari Gadoyeva M.I, Yodgorova L.B	330
62	Ingliz tilidagi antroponimlarning rivojlanishining tarixiy taraqqiyot davri va leksik qatlami Gadoyeva M.I, Mustafoyeva M.A	334
63	Characteristics of the metaphors of time in shakespeare’s sonnets Dadaboyev O.O	342
64	Features of adjectival combinations in the study of the conceptual integrity of the terminological system associated with tourism Xolboyeva.D	345
65	Abdulla Qahhor “Ming bir jon” hikoyasidagi o‘xshatishlarning nemischa tarjimasi xususida Sadiqov Z, Rajabbayeva M.S	351
66	Изучение имен прилагательных в начальных классах на основе использования лингвистического моделирования Ахмаджанова Ф.Т	355
67	Илмий услуб ва илмий матн турлари Тожибоев М.Т	361
68	Ўрхун-Энасой битикларидаги ҳарбий қурол-яроғ номларини англатувчи терминлар Дустмуродов М.М	366
69	Qadriyat tushunchasi lingvokulturologik kategoriya sifatida Minniqulov I.U	371
70	Medical professional discourse in the context of cognitive-linguistic analysis Saraeva D.N	376
71	Ўзбек ва турк тилшунослигининг миллий-маданий бирликларини лингвокултурологик аспектда ўрганишнинг назарий асослари Бабаджанова У.Б	380
72	Огаҳий тарихий асарларида маърифий-фалсафий истилоҳлар ишлатилишида воқеа баёни ўрни Халлиев Ж.И	384
73	Ўзбек тилида “Ор-номус” миллий стереотипининг лексик ифодаланиши Ҳожиёв Ю.Н	389